



Fidoyilik —
Vatanga xizmat demak!

2022-yil 25-oktabr, seshanba,
125 (23.690)-son

**КУН
ҲИҚМАТИ**

Кўп китоб
ўқишнинг "ёмон"
томони шуки,
китоб ўқимаган-
ларни ёмон кўриб
қоларкансан



www.zarnews.uz



www.facebook.com/zarnews.uz



@zarnews_uz



www.twitter.com/zarnews_uz



Самарқандда ICTWEEK UZBEKISTAN - ахборот-коммуникация технологиялари хафталиги бошланди

Ўзбекистон ахборот технологиялари соҳасида 2004 йилдан буён ўтказиб келинаётган мазкур тадбир 2019 йилдан кейин, икки йиллик танаффусдан сўнг, Самарқанддаги "Буюк ипак йўли" халқаро туризм мажмуаси Конгресс марказида ташкил этилди.

IT-соҳасида жаҳонда ва мамлакатимизда кечаяётган янгилик ва ўзгаришларни таҳлил қилиш, дунёнинг етакчи компаниялари билан бу борада ўзаро тажриба алмашиш, замонавий технологиялар ҳамда инновациялар ютуқларини намойиш этишга қаратилган аъёнавий ҳафталик ICTWEEK UZBEKISTAN саммити билан бошланди.

Саммитнинг бosh мақсади ахборот технологиялари ва коммуникацияларининг жорий йилдаги ривожини янгиликларни чиқариш, тармоқ олдида турган стратегик вазифаларни муҳофаза қилиш сараланиди. Унда алоқа ва ахборот технологиялари соҳасидаги давлат бошқаруви органлари, корхона ва ташкилотлар раҳбарлари, халқаро экспертлар ва таҳлилчилар, халқаро IT-компаниялар вакиллари қатнашмоқда.

Саммит очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Шерзод Шерматовнинг таъкидлашича, 2019 йилда ўтказилган ҳафталик доирасида 5 та йирик тадбир ўтказилган бўлса, бу йилги дастур 22 та турли даражадаги тадбирларни ўз ичига олади.

Самарқандда ўтказилаётган ҳафталик қамрови жуда кенг ва шу билан бирга, нуфузи баланд, - деди Ш.Шерматов. - Бу галги ҳафталикда аъёнавий халқаро кўргазма ва тақдиротлар билан бирга илк бор МДХ ҳамда Туркий давлатлар ташкилотига аъзо мамлакатлар ахборот технологиялари ва коммуникациялари бўйича масъул вазирлик ва идоралари раҳбарларининг йиғилишлари ўтказилди. Шунингдек, БМТнинг электрон ҳукумат бўйича 2022 йил учун тадқиқотининг рус тилидаги таҳлини тақдироти бўлади. "Plug and Play"нинг Ўзбекистондаги филиали ва акселерация дастури танлови очилди.

Тадбирда шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Инновацион ривожланиш, ахборот сийсати ва ахборот технологиялари масалалари қўмитаси ра-

иси Илҳом Абдуллаев, МДХ давлатларининг халқаро электроалоқа иттифоқи директори Наталья Мочу, Алоқа соҳасидаги худудий ҳамдўстлик (АСХХ) ижроия қўмитаси бosh директори Нурудин Муҳитдинов ва бошқалар сўзга чиқиб, ҳафталик ва унинг доирасидаги тадбирларнинг аҳамияти ҳақида ўз фикрларини билдирди.

Ўзбекистон минтақада ахборот технологиялари жадал ривожланиб бораётган етакчи давлатлардан бири, - деди МДХ давлатларининг халқаро электроалоқа иттифоқи директори Наталья Мочу. - Мамлакатда давлат ва жамият ҳаётида замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этиш, рақамли иқтисодиётни ривожлантиришга жуда катта эътибор қаратилмоқда. Аҳолининг барча қатлами, жумладан, хотин-қизлар, ёшлар ва имконияти чекланган шахсларнинг замонавий ахборот технологияларидан фойдаланишлари учун зарур шароит яратилмоқда. Бу борада Ўзбекистондаги барча таълим муассасаларида юқори тезликдаги интернет алоқасидан фойдаланиш имкониятининг яратилганини алоҳида қайд этишни истардим. Биз ушбу йўналишдаги ишларни бундан буён ҳам қўллаб-қувватлаймиз.

Ҳафталик доирасида кеча Самарқанд туристик мажмуаси худудида ташкил этилган экспo марказда мамлакатимиз ва хориждаги етакчи компаниялар, IT соҳаси вакиллари иштирокида кўргазма бошланди.

Кўргазманинг очилиш маросимида вилоят ҳокими Эркинжон Турдимов иштирок этди ва Самарқандда илк бор ўтказилаётган мазкур нуфузли ҳафталик ахборот технологиялари бўйича маҳаллий ва хорижий мутахассислар, соҳа вакиллари учун қулай мулоқот майдони бўлганини таъкидлади.

Кўргазмада дунёга машҳур брендлар, алоқа компаниялари, IT мутахассислар ва экспертлар ўзларининг янги лойиҳа, дастурлари билан қатнашмоқда.

Тўлқин СИДДИКОВ,
Бахтиёр МУСТАНОВ (сурат).

Чори бобонинг тажрибаси асқотди



"Буюк ипак йўли" халқаро туризм мажмуасида "Бир нуроний - ўн нафар ёшга масъул" кўрик-танловининг республика босқичи бўлиб ўтди.

Тадбир аввалида Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирининг биринчи ўринбосари С.Турдиев ҳамда вилоят ҳокими Э.Турдимов нуронийларнинг доно сўзи, ибратли ҳаёти ёшларнинг тарбияли, одоб-ахлоқли, илм олишга интилувчан бўлишида катта аҳамият касб этишини таъкидлади. Кўрик-танлов қатнашчиларига омад тилади.

Танловда худудий босқичларда ғолиб бўлган нуронийлар ўз худудида "Бир нуроний - ўн нафар ёшга масъул" лойиҳаси асосида амалга оширган ишларини намойиш этди.

Давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 19 январдаги "Ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, катта ҳаётий тажриба, билим ва обрўга эга бўлган 16 минг 224 нафар фаол нуронийга иш билан

банд бўлмаган, моддий ва маънавий кўмакка муҳтож 150 минг нафардан ортиқ муаммоли ёшлар бириктирилган эди, - деди С.Турдиев. - Ушбу танловни ташкил қилишдан мақсад уюшмаган, тарбияси огир ёшларнинг ҳаётда ўз ўрнини топиши, билим ва касб-хунар эгаллашига кўмаклашиш ҳамда ёш оилалар ўртасида ажримларнинг олдини олиш, шунингдек, ёш авлодни халқимизнинг кўп асрлик анъаналарига ҳурмат ва танпарварлик руҳида тарбиялашда кекса авлод вакиллариининг ижтимоий фаоллиги ва ҳаётий тажрибасидан унумли фойдаланишдир.

Иштирокчилар ўзига бириктирилган, тарбияси огир, маънавий кўмакка муҳтож бўлган ёшлар билан амалга оширган ишлари, уларнинг муаммоларига ечим топиши, ажрим ёқасида турган оилаларни яраштириш бўйича чора-тадбирлари ҳақида маълумот берди.

Танловда Сурхондарё вилояти вакили - 85 ёшли нуроний Чори Жумаев биринчи ўринни кўлга киритди. Иккинчи ўрин вилоятимиз номидан қатнашган нурободлик Солижон Худоёров ҳамда учинчи ўрин Қорақалпоғистон Республикаси вакили Нурмуҳаммад Ти-

лавмуратовга насиб этди. Биринчи ўрин соҳиби 27 миллион, иккинчи ва учинчи ўринни эгаллаганлар 18 миллион, 9 миллион сўм пул мукофоти билан тақдирланди. Бошқа иштирокчилар ҳам турли номинациялар бўйича тақдирланди.

65 йилдан буён ёшлар билан ишлаш, дейди Чори бобо Жумаев. - Бу кўрик-танлов бой тажрибамизни амалиётда қўллаш имконини берди. Термиз шаҳридаги 37 маҳалланинг барчасида фаолият олиб бораёғимиз. Ҳозир уюшмаган ёшларга иш топишда кўмаклашиш, уларнинг бандлигини таъминлаш учун имтиёзли кредитлар олишда кўмаклашаётганимиз яхши натижа берапти. Тарбияси огир ёшларни турли ёмон одатлардан асраш мақсадида маҳаллаларда таъсирчан тарғибот тадбирлари олиб бораёғимиз.

Танлов ташкилотчиларининг таъкидлашича, биринчи марта ўтказилаётган кўрик-танловнинг ижобий тажрибалари барча худудларда амалиётда қўлланилади.

Сулаймон МАРДИЕВ,
Фазлиддин РЎЗИБОВЕВ (сурат).

➡ Аччиқ ва очиқ гап

Маҳалла ҳар ишга ўрнак бўлиши зарур, аммо...

Бу гап фақат маҳалла фаолларининг юриш-туриши, амалига тааллуқли эмас. Бу ерга келган киши, аввало, саранжом-саришталик, маҳалла "ҳодим"ларининг иш шароитига эътибор беради.

Шароити бир нави бўлган жойда ишлаётган маҳалла раиси бошқаларга "Уйингни эпакка келтири, атрофини ўт-ўланган тозалаш қўй", деб насиҳат қилса, қандай бўлади? Маҳалланинг жамиятдаги обрўи, нуфузини оширмоқчи эканмиз, бу масалани ҳам эсдан чиқармаслик керак. Булуғтур туманининг "Чангал-1" маҳалла фуқаролар йиғинидамиз. Номланишига кўра маҳалла фуқаролар йиғини биноси кўриниши бўйича омборхонага ўхшаш бионинг олдида келиб тўхтади. Маҳалла раиси Олим Жўраев бизга пешвоз чиқиб, ичкарига бошлади. У ерда эса вазият бундан-да огир. Хоналар зах тортган, деворлари



нураган, шифтдаги доғлар томдан сув ўтишидан дарак беради. Хуллас, ачинарли ҳолат. Аслида маҳаллада аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш бўйича амалга оширилган ишларни ўрганишга келган бўлсак-да, кўз олдимиздаги муаммага бефарқ бўлолмادик. - Жорий йил бўлиб ўтган сайловда маҳалладошларим мени раисликка лойиқ кўрди, - дейди О.Жўраев. - Ишни маҳалланинг учта энг асосий муаммоси ва уларнинг ечими бўйича лойиҳа тайёрлаб, туман ҳокимлигига киритишдан бошладим. Муаммоларга келсак, аввало, Оқори Чангал қишлоғидаги 92 та хонадонни тоза ичимлик суви билан таъминлашимиз керак. Ундан кейин маҳалла марказидан ўтувчи асосий кўчанинг 2,5 километр қисмида пидедалар ва ве-лойўлак қуришимиз зарур. Яна бир огир муаммо - кўриб турганингиздек, хизматини ўтаб бўлган маҳалла биноси. 1972 йилда қурилган бу бино яқин йилларда таъмирланмаган. Уни замонавий қиёфага келтириш учун 480 миллион сўмлик лойиҳа тайёрладик.



Раис ва фаоллар ҳамроҳлигида бинонинг ҳолатини кўздан кечирдик. Уларнинг айтишича, ёмғирли кунларда кўчадан оққан сув шу ерда тўпланиб, ҳовли жойида каттагина "ҳовуз" пайдо бўлар экан. Унга туташ бино бундан-да хароб. "Улуғбек" агрофирмасига қарашли бу объектга яқин йилларда одам кирмагани кўриниб турибди. Деворлари дарз кетиб, кулаш ҳолатига келган.

Маҳалла раисининг айтишича, у тақдим қилган лойиҳа ҳукумат томонидан маъқулланиб, қурилиш ва таъмирлаш ишлари учун керакли маблағ ажратилиши белгиланган. Фақат бу қачон бўлиши номаълум. Унгача мавжуд шароитдан тўғри фойдаланилса, айтилик, ёмғир сувларини бинодан қочириш чораси қўрилиб, атрофи обodonлаштирилса, ёмон бўлмас эди. Шу қаторда жойлашган профилактика инспекторининг хизмат уйи ҳам қаровсиз ҳолатда. Фаоллар буни маҳаллада профилактика инспектори лавозими вакант эканлиги билан изохлашди. Ҳўп, профилактика инспектори бўлмаса, у учун қурилган уйнинг атрофини бегона ўтлардан тозалаш қўйишнинг иложи йўқми?

Хуллас, шунақа гаплар. Маҳаллага боришимиз сабабига келсак, бу бўйича кейинроқ мақола беришга қарор қилдик.

Асқар БАРОТОВ.



ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИСИ ОДОБ-АХЛОҚДА ИБРАТ БЎЛИШИ КЕРАК

Вилоят ҳокими Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 14 октябрдаги "Давлат фуқаролик хизматчилари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилишини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш, "Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ, давлат хизматчиларининг хизмат фаолиятига оид ва хизматдан ташқари одоб-ахлоқи, жамоатчилик билан муносабатларига доир қоидаларга риоя этилишини таъминлаш мақсадида қарор қабул қилди.

Мазкур қарор билан вилоят ҳокимлиги масъул ходимлари, яъни давлат хизматчиларининг касбий маданияти, хизмат фаолияти давомида, хизматдан ташқари, жамоатчилик ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари билан муносабатлари, таъқи қўрилиш ва қийинчи услубига оид одоб-ахлоқ қоидалари, давлат хизматчиларининг манфаатини ҳимоя қилиш, уларнинг одоб-ахлоқ қоидаларига амал қилиши назорати, жавобгарлиги масалалари белгиланган.

Бундан буён давлат хизматчилари ўз касбий фаолиятини қонунийлик, Ватанга садоқат ва хизмат вазифасига фидойилик, юкланган хизмат вазифаларини тўлиқ бажариш, ижро интизомига қатъий риоя этиш каби принциплар асосида амалга ошириши шарт. Улар фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлигини таъминлаб, давлат ва жамият манфаатларига содиқлигини намойиш этиши, адолатлилик, ҳалоллик ва ҳолислик, коррупциявий ҳолатларга мурокасиз муносабатда бўлиши, мансаб ваколатларини суиистеъмо қилмасдан, манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслиги аниқ нормалар билан белгиланган берилди.

(Давоми 2-бетда.)

ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИСИ ОДОБ-АХЛОҚДА ИБРАТ БЎЛИШИ КЕРАК

(Давоми. Боши 1-бетда)

Давлат хизматчилари меҳнат фаолияти давомида ва ишдан ташқари вақтда обрўсига путур етказиши мумкин бўлган хатти-ҳаракатлардан тийилиши, мурак-каб вазифаларни бажаришда ҳам-касбларига кўмаклашиши, фуқаро-ларда давлатга нисбатан ишонч ва ҳурмат ҳиссини уйғотиши талаб этилади.

Ушбу одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилиниши ҳолати давлат хизматчиларини келгусида юқори лавозимларга тайинлаш ва раҳбар кадрлар захирасини шаклланти-ришда ҳисобга олинади.

Давлат хизматчилари ишдан ташқари вақтда миллий урф-одат, қадрият ва аъёналарга ҳурмат билан муносабатда бўлиш, дабда-бабозлик, шўхратпарастлик, гуруҳ-бозлик, маишатбозлик, ичкилик-бозлик ва бошқа салбий иллатлар-га йўл қўймаслик, жамоат жойла-рида ўзини тутиш қоидаларига риоя этиш, хизмат мажбуриятла-рини бажариш билан боғлиқ бўлган идора ва ташкилотлар раҳ-бар ва ходимларидан бошқа ман-сабдор шахслардан қимматбаҳо совға олмасликка мажбур.

Улар оммавий ахборот восита-лари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш, давлат органлари ва таш-килотлари фаолиятининг оммавий ахборот воситаларида ёритилиши-га кўмаклашиши керак. Аммо дав-лат хизматчиси матни ва мазму-ни давлат сиёсати ёки давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятига алоқадор бўлмаса, ах-боротлар давлат сирлари билан боғлиқ бўлса, бошқа давлат орган-лари ва ташкилотлари нуфузини пасайтириш ёки уларнинг мансаб-дор шахсларини камситишга йўналтирилган бўлса, оммавий ба-ёот бериши мумкин эмас.

Давлат хизматчиларининг хиз-мат фаолиятидаги таққи кўрини-ши ва кийиниш услуби фуқаро-ларнинг вилоят ҳокимлиги фао-лиятига ҳурматини, шу жумладан, давлат хизматининг нуфузини оширишга хизмат қилади.

Мансаб ёки хизмат мажбури-ятларини бажариш вақтида дав-лат хизматчилари манфаатлар тўқнашувида олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган шахсий манфаатдорликка йўл қўймаслиги



керак. Шундай манфаатлар тўқна-шуви юзага келган тақдирда, хо-димлар ўзининг раҳбарини хабар-дор қилиши шарт. Манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги тўғрисида маълумот олган раҳбар бу тўқна-шувнинг олдини олиш ёки уни бартараф этиш юзасидан ўз вақ-тида чоралар кўришга мажбур.

Давлат хизматчиларини хиз-мат вазифаларини бажариши билан боғлиқ таҳдид, ҳақорат, туҳ-мат ва қонунга хилоф бошқа хат-ти-ҳаракатлардан ҳимоя қилиш вилоят ҳокими ва тегишли ҳоким ўринбосарлари томонидан амал-га оширилади.

Зиммасига юклатилган вазифа-ларни бажаришга тўсқинлик қилиш, жиноят ёки бошқа ҳуқуқбу-зарлик содир этишга оғдиришга қаратилган мурожаатлар, шунинг-дек, ҳамкасблари томонидан со-дир этилган ёки содир этишга тайёргарлик қўрилайётган қонунбу-зилишлар ҳақида хабар берган хо-димларни вужудга келиши мум-кин бўлган таҳдид ва хавф-хатар-лардан ҳимоя қилиш чоралари кўрилади.

Давлат хизматчилари томони-дан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилиши устидан назорат вилоят ҳокимлигининг ташкилий-кадрлар гуруҳи ёки вилоят ҳокимлигининг одоб-ахлоқ комиссиялари, шу-нингдек, махсус ваколатли дав-лат органи томонидан амалга оширилади.

Ўз навбатида, давлат хизмат-чиларининг одоб-ахлоқ қоидала-рига риоя этмаганлик ҳолати уларга нисбатан ахлоқий ва инти-зомий таъсир чораларини қўллаш учун асос бўлади.

Шунингдек, қарорга мувофиқ, вилоят ҳокимлигининг Одоб-ахлоқ

комиссияси тўғрисидаги Низом ҳам тасдиқланди. Мазкур Низом асосида фаолият юритувчи комис-сия давлат хизматчиларининг одоб-ахлоқ қоидаларига риоя эти-шини назорат қилиш, уларнинг ахлоқ нормаларига зид бўлган хат-ти-ҳаракатларининг олдини олиш, одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этиш билан боғлиқ низола-ри кўриб чиқади.

Комиссия жисмоний ва юридик шахсларнинг давлат хизматчилари-нинг хатти-ҳаракатларига доир му-рожаатларини, давлат хизматчи-ларининг шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш билан боғлиқ маса-лаларни ўрганади. Давлат хизмат-чиларининг одоб-ахлоқ қоидалари-ни тақомиллаштириш юзасидан тақлифлар тайёрлайди, тақлифлар ва натижалар ҳақида давлат орга-ни ва ташкилот раҳбарлари, жамо-атчилики хабардор қилади.

Давлат органлари ва ташкилот-ларнинг инсон ресурсларини бош-қариш бўлиналари билан ҳамкор-ликда давлат хизматчиларида юк-сак касбий маданиятни, жамоада соғлом маънавий муҳит ва ишчан кайфиятни шакллантириш, уларни "ҳалоллик вакцинаси" билан эмлаш - онгига ҳалолликини сингдириш, маърифат орқали коррупцияга қарши мурасасиз муносабатда бўлиши мақсадида вилоят ҳоким-лигида таниқли зиёлилар, ижодкор-лар, маънавий ва маърифат соҳа-сининг кўзга кўринган намоёндала-ри, ўз соҳасида юксак натижаларга эришган меҳнат фахрийлари билан учрашувлар ташкил этади.

Давлат хизматчиларининг ма-лакаси, иқтисодий билими, ҳуқуқий саводхонлиги, интеллекту-ал ва маънавий ривожланишини ошириш мақсадида ўқишлар таш-

кил этади. Уларнинг халқро се-минарлар, конференциялар ва бошқа тадбирларда иштироки учун шарт-шароит яратлади.

Юқорида қайд этилган давлат хизматчиларининг хизмат фаоли-ятига оид ва хизматдан ташқари одоб-ахлоқ, жамоатчилик билан муносабатларига доир қоидалар-га риоя этилишини таъминлаш билан боғлиқ вазифаларнинг вилоят ҳамда шаҳар ва туманлар ҳоким-ликлари аппарат ходимлари то-монидан сўзсиз ижро этилишини таъминлаш мақсадида жорий йил-нинг 21-22 сентябрь кунлари бар-ча ҳокимликларда махсус ўқув со-атлари ўтказилди. Бу тадбирлар-да давлат хизматчиларининг кас-бий маданияти, хизмат фаолияти давомида, хизматдан ташқари, жа-моатчилик ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари билан му-носабатлари, таққи кўриниш ва кийиниш услубига оид одоб-ахлоқ қоидалари, давлат хизматчилари-нинг манфаатини ҳимоя қилиш, уларнинг одоб-ахлоқ қоидаларига амал қилиши назорати, жавобгар-лиги масалалари батафсил ту-шунтириб берилди.

Шу билан бирга, ҳокимликлар масъул ходимларининг билим ва кўникмалари мунтазам ошириб борилишини таъминлаш мақсади-да Ўзбекистон Республикаси Пре-зиденти ҳузуридаги Давлат бош-қаруви академияси Самарқанд филиали билан ҳамкорликда ви-лоят, шаҳар ва туманлар ҳоким-ликлари аппарати ходимларининг малакасини ошириш учун малака-ли профессор-ўқитувчилар ва му-сак касбий маданиятни, жамоада соғлом маънавий муҳит ва ишчан кайфиятни шакллантириш, уларни "ҳалоллик вакцинаси" билан эмлаш - онгига ҳалолликини сингдириш, маърифат орқали коррупцияга қарши мурасасиз муносабатда бўлиши мақсадида вилоят ҳоким-лигида таниқли зиёлилар, ижодкор-лар, маънавий ва маърифат соҳа-сининг кўзга кўринган намоёндала-ри, ўз соҳасида юксак натижаларга эришган меҳнат фахрийлари билан учрашувлар ташкил этади.

Давлат хизматчиларининг ма-лакаси, иқтисодий билими, ҳуқуқий саводхонлиги, интеллекту-ал ва маънавий ривожланишини ошириш мақсадида ўқишлар таш-

кил этади. Уларнинг халқро се-минарлар, конференциялар ва бошқа тадбирларда иштироки учун шарт-шароит яратлади.

Юқорида қайд этилган давлат хизматчиларининг хизмат фаоли-ятига оид ва хизматдан ташқари одоб-ахлоқ, жамоатчилик билан муносабатларига доир қоидалар-га риоя этилишини таъминлаш билан боғлиқ вазифаларнинг вилоят ҳамда шаҳар ва туманлар ҳоким-ликлари аппарати ходимлари то-монидан сўзсиз ижро этилишини таъминлаш мақсадида жорий йил-нинг 21-22 сентябрь кунлари бар-ча ҳокимликларда махсус ўқув со-атлари ўтказилди. Бу тадбирлар-да давлат хизматчиларининг кас-бий маданияти, хизмат фаолияти давомида, хизматдан ташқари, жа-моатчилик ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари билан му-носабатлари, таққи кўриниш ва кийиниш услубига оид одоб-ахлоқ қоидалари, давлат хизматчилари-нинг манфаатини ҳимоя қилиш, уларнинг одоб-ахлоқ қоидаларига амал қилиши назорати, жавобгар-лиги масалалари батафсил ту-шунтириб берилди.

Шу билан бирга, ҳокимликлар масъул ходимларининг билим ва кўникмалари мунтазам ошириб борилишини таъминлаш мақсади-да Ўзбекистон Республикаси Пре-зиденти ҳузуридаги Давлат бош-қаруви академияси Самарқанд филиали билан ҳамкорликда ви-лоят, шаҳар ва туманлар ҳоким-ликлари аппарати ходимларининг малакасини ошириш учун малака-ли профессор-ўқитувчилар ва му-сак касбий маданиятни, жамоада соғлом маънавий муҳит ва ишчан кайфиятни шакллантириш, уларни "ҳалоллик вакцинаси" билан эмлаш - онгига ҳалолликини сингдириш, маърифат орқали коррупцияга қарши мурасасиз муносабатда бўлиши мақсадида вилоят ҳоким-лигида таниқли зиёлилар, ижодкор-лар, маънавий ва маърифат соҳа-сининг кўзга кўринган намоёндала-ри, ўз соҳасида юксак натижаларга эришган меҳнат фахрийлари билан учрашувлар ташкил этади.

Давлат хизматчиларининг ма-лакаси, иқтисодий билими, ҳуқуқий саводхонлиги, интеллекту-ал ва маънавий ривожланишини ошириш мақсадида ўқишлар таш-

Бу факт!

Вилоятнинг ташқи савдо айланмасида экспорт ҳажми 484 миллион АҚШ доллари (34,1 фоизга кўнайди) ва импорт ҳажми 1253,8 миллион АҚШ доллари (29,8 фоизга кўнайди) етди.

➤ 25 октябрь - Ички ишлар идоралари ходимлари куни

Осойишталигимиз учун оромидан воз кечганлар



Жамиятимизда халқнинг фаро-вонлиги йўлида хизмат қиладиган, унинг хавфсизлигини таъминлаш-га қаратилган касблар кўп. Бундай касб эгалари метин иродаси, қатъ-иятлилиги, асосийси, Ватани, эли-га садоқати билан ажралиб тура-ди. Ички ишлар органлари тизими-да ишловчи озойишталигимиз посбонлари шулар жумласидан.

Албатта, бу соҳада ишлаш шараф, лекин унинг ҳам ўзига яраша қийин-чиликлари, масъулияти, таъбир жоиз бўлса, бадали борки, бу ҳақда айтиб ўтмасак бўлмайди. Масалан, барчамиз бир кунда 7-8 соат меҳнат қилиб, чар-чадим десак, улар 12-14 соат хизмат вазифасида бўлишади. Айниқса, хал-қимиз кенг нишонлайдиган тантана-

"Юксалиш" умуммиллий ҳаракати вилоят бўлинмасида жамоат транспор-тида кузатилаётган салбий ҳолатлар ва уларнинг ечимлари бўйича жамоат-чилик эшитувчи ўтказилди.

Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатла-ри, сиёсий партиялар ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этган тадбирда вилоят транс-порт бошқармаси бошлиғи ўринбосари Жўрабек Қоржововнинг ҳисоботи тингланди.

Мутасадди тизимдаги мавжуд муаммолар ва уларнинг ечимлари ҳақида фикр юритаркан, жа-моатчилик вакиллари саволларига ҳам атраф-лича жавоб қайтарди.

Қайд этилишича, Самарқанд шаҳрида 60 та йўловчи ташиш йўналишларидан бугунги кунда 21 таси ўз сарф-харажатларини қопламаганлиги учун тадбиркорлик субъектлари томонидан тўхтатилган.

Агар бу рақамларни вилоят миқёсида олиб ай-тадиган бўлсак, 201 та автобус йўналишларидан 66 таси юқорида келтирилган сабаб билан фаоли-ятини тўхтатгани аён бўлади. Бу эса ўз навбатида аҳолининг норозилигига сабаб бўлмоқда. Ижтимо-ий тармоқларда ҳолат кескин ва тўхтовсиз муҳока-ма қилинмоқда.

Умуман, тизимдаги муаммоларнинг келиб чи-қиш сабаблари нималардан иборат?

аҳвол.

Амалдаги тартибга кўра, жамоат транспор-тидаги камчиликларни ўрганиш ва уни бартараф қилиш учун Президент ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаат-ларини ҳимоя қилиш бўйича вакилининг рухсати керак бўлади. Бундай рухсатномани олиш учун бир қанча бюрократик тўсиқлардан ўтиш керак.

Аслида Самарқанд шаҳар жамоат транспор-ти ривожлантириш ҳамда унинг мунтазамлигини таъминлаш мақсадида мавжуд йўналишларда ҳара-катланувчи транспорт воситаларидан қўрилган зар-рар қоплаб берилиши лозим. Бу амалиёт бутун дунёда йўлга қўйилган.

Бугунги кунда Самарқанд шаҳрида автобусда йўловчи ташиш фаолияти билан 18 та хусусий та-шувчи ва 1 та давлат корхонаси (Трамвай бошқар-маси) шуғулланмоқда. Жамоат транспортида 1 йўловчи ташиш тарифи 1400 сўм бўлгани ҳолда амалда бу борадаги харажатлар ўртача 1780 сўмни ташкил этмоқда. Бу ерда ўртача фарқ 380 сўм-лигини кўришимиз мумкин. Ҳисоб-китобларга кўра,

Жамоат транспорти:



- Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ҳудудларда тадбиркорлик лойиҳаларини молия-лаштириш механизмларини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорида тадбир-корлик субъектларига 14 фоизлик кредитлар аж-ратиш белгиланган, - дейди Ж.Қоржовов. - Лекин вилоятдаги мавжуд банклар ушбу қарор ижроси-ни турли ваҳлар билан бажармасдан келмоқда. Бу табиийки, молиявий қўллаб-қувватлашга муҳтож соҳа тадбиркорлари учун қўшимча муаммо туғдир-моқда.

Истисно тариқасида қайд қилинган қарор асо-сида биргина Пахтачи туманидаги "Микрокредит банк" Зиёвуддин филиалидан "Пахтачи ташкилий авто" МЧЖ га 4 та "Исузу" русумли автобус хар-ид қилиш учун кредит ажратилган. Қолган банк-ларда эса "дастурга киритилмаган", "ресурс йўқ" ваҳлари билан транспорт хизмати кўрсатувчи тад-биркорларга Президент қарорига зид равишда кре-дит маблағлари берилмапти.

Самарқанд шаҳрида жамоат транспортнинг жозибдорлигини ошириш, йўловчиларнинг А нуқ-тадан Б нуқтага вақтида етиб олишларини таъмин-лаш учун алоҳида автобус йўлақлари ташкил қилиш ёки автотураргоҳлар қуриш орқали автомобиль йўлининг ўнг томон биринчи бўлагини "тозалаш" керак. Эътибор қилган бўлсангиз, бизда мана шу бўлак "автотураргоҳ" вазифасини бажаради. Яъни, шаҳар кўчаларининг автобуслар ҳаракатлини лозим бўлган қисми банд. Савол туғилади, йўлов-чи ташийтган транспортлар қаердан ҳаракатлансин?

Тўғри, жамоат транспортида, умуман, йўловчи ташиш соҳасида муаммолар кўп. Бироқ ўша муам-моларни бартараф қилиш, камчиликларга йўл қўйган, айтилиқ, йўловчига қўполлик қилган, йўна-лиш схемасини бузган, белгиланган жаҳвал асо-сида ҳаракатланмаган, қайтими бормаган, йўлларда ҳаракат қоидаларига риоя қилмаган транспорт воситаси ҳайдовчиси ёки ташкилотга жаҳо чораларини қўллаш ваколати транспорт бо-шқармасида йўқ. Йўналишли таксиларда ҳам шу

йўналишларнинг рентабеллик даражасига қараб, бу 250 сўмдан 400 сўмгача бўлади. Жорий йилнинг 6 ойи мобайнида шаҳар жамоат транспорти томо-нидан қўрилган қарор 6 221 358,0 минг сўмни таш-кил этгани ҳолда, амалда ташувчиларга бир сўм маблағ тўланмаган.

Бунинг сабаби шуки, давлат раҳбари ҳузурида жорий йилнинг 29 апрель куни Самарқанд шаҳри-да жамоат транспортини ривожлантириш чора-тад-бирларига бағишланган тақдими давомида берил-ган топиширқлар бўйича субсидия ажратишда ҳар бир ташилган йўловчининг тўлови АТТО тизими орқали транзакция қилинган сўмлардан зарарлар-ни ҳисоблаш шарти киритилган. Шаҳар жамоат транспортида йўловчиларнинг 70 фоизи туманлар-дан келиб кетувчи ёки бир марталик йўловчилар эканлиги сабабли умумий ташилган йўловчилар-нинг ўртача 5 фоизи тизим орқали тўловни амал-га оширмоқда.

Албатта, қайд этилган муаммоли ҳолатларни бартараф қилиш бўйича тегишли ишлар амалга оширилмоқда. Мисол учун, йўналишдаги автобус-лар бир йил ичида талаб даражасига келтирилади. Бунинг учун аниқ чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилган. Жумладан, жорий йил якунига қадар "Ма-роқанд транс 777" МЧЖ томонидан Хитой Халқ Рес-публикасида олиб келинаётган 80 та замонавий автобусни йўналишларга қўйиш режалаштирилган.

Бу орқали йўловчиларга сифатли ва хавфсиз транспорт хизматларини кўрсатишда, яъни аҳоли-нинг фойдаланиш даражасини ҳозирги 18 фоиз-дан 30-35 фоизга кўтариш режалаштириляпти.

Муҳокамалар якунида Самарқанд шаҳри, хусус-ан, вилоятимизда жамоат транспортини замон талаблари асосида йўлга қўйиш, бу борада тегиш-ли ташкилотлар олдида турган вазифалар юзаси-дан аниқ ҳулосаларга келинди. Шу жиҳатдан, ма-сала моҳиятига кўра, депутатлик сўровлари, масъ-ул мутасаддиларга расмий мурожаатлар йўллашга келишиб олинди.

Ё.МАРҚАЕВ.

Опа-сингилларимиз камситилмайди



Бугунги кунда жамият ҳаётининг барча жаҳасида хо-тин-қизлар эркаклар билан тенгма-тенг, елкама-елка бўлиб фаолият олиб бораётганини кўришимиз мумкин. Бу эса юртимизда уларга иззат-эҳтиром қўрсатиш нафақат мил-латимизга хос қадрият, балки давлатимиз сиёсатининг ус-тувор йўналишига айланганлигининг яққол ифодасидир.

Президентимизнинг 2019 йил 7 мартдаги "Хо-тин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғриси-да"ги қарори ҳамда 2019 йил 2 сентябрида қабул қилинган "Хотин-қизларни таъйиқ ва зўравонлик-дан ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонун бу борада муҳим ҳуқуқий асос бўлмоқда.

Қайд қилинган ҳужжатлар ижросини таъминлаш мақсадида ички ишлар идоралари неғизда таш-кил этилган хотин-қизлар масалалари бўйича инспекторлар маҳалла раиси, хотин-қизлар фао-ли, ёшлар етакчилари ҳамда ҳоким ёрдамчилари билан узвий ҳамкорликда "ҳондонбай" профилак-тик тадбирларни амалга оширмоқда.

Жорий йилнинг 9 ойи мобайнида олиб борил-

ган профилактик ҳамда бошқа тарғибот ва ташви-қот ишлари натижасида ҳудудимизда мавжуд 24 та маҳалладаги 179 та оила ўрганилиб, 267 нафар хо-тин-қиз билан профилактик суҳбатлар ўтказилди.

Шунингдек, 43 нафар жисмоний ва руҳий таъйиққа учраган хотин-қизлар ҳимоя ордерлари билан таъминланиб, 22 ҳолатда тарафлар ярашти-рилди, 20 ҳолатда низо бартараф этилди. Ҳудудда истиқомат қилувчи, жиноятдан жабр кўрган 37 на-фар хотин-қиз рўйхати шакллантирилиб, уларга ҳуқуқий, ижтимоий, психологик ёрдам кўрсатиш чоралари кўрилмоқда.

Н.БУРХАНОВА,
Самарқанд шаҳри бўйича ИИО ФМБ 4-сонли
ИИБ хотин-қизлар масалалари бўйича
инспектор.

Ижтимоий шерикликнинг ёрқин намунаси

Самарқандда ўтказилган "Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши учун катталар таълими ва ўқишида ўргатувчи ҳудудлар ва инновацияларни яратиш" фестивали фотокўргазма, хунармандчилик маҳсулотлари намойиши, маҳорат сабоқлари, эркин мунозараларни ўз ичига олди.

"Сабр" Республика ижтимоий-иқтисодий ривожланиш маркази ва DVVнинг Ўзбекистондаги филиали (DVV International - Германия давлат университетларининг халқаро ҳамкорлик бўйича институти) Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги меҳнат бозори тадқиқотлари институти ва Самарқанд вилоят ҳокимлиги ташкилотчилигида ўтказилаётган анжуманда мамлакатимиз ва хориждаги соҳа вакиллари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари вакиллари иштирок этди.

Катталар таълими ва ўқиши нималарни кўзда тутати, ушбу жараён мамлакатимизда нечоғлик йўлга қўйилган? Ишсиз аҳолини мақсадли ўқитиш самаралари ва бунда нодавлат нотижорат ташкилотларининг ўрни қандай? Бу масалалар

"Сабр" марказининг давлат ташкилотлари билан ҳамкорлиги қандай кечмоқда? Фестиваль аввалида сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ўринбосари Баҳодир Умуризоқов шу ҳақда сўз юритди.

Анжуман иштирокчилари Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда барча вилоятларда "Сабр" томонидан ташкил этилган маҳаллий ривожлантириш марказларида таҳсил олганлар томонидан тайёрланган маҳсулотлар кўргазмаси билан танишди.

- "Сабр" Республика ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш маркази қишлоқ аҳолисининг кам таъминланган қатлами билан ишлаш бўйича йигирма олти йиллик иш тажрибасига эга, - дейди марказ раҳбари Мавлуда Широнова. - Биз фаолиятимиз давомида, хусусан, кейинги



6 йилда мамлакатимизнинг қишлоқ ҳудудларида яшовчи 8 мингдан ортиқ аёллар ва ёшларнинг 22 касб йўналишида малакасини оширдик. Уларнинг 5 минг нафари иш билан таъминланди ёки меҳнат билан банд. Хунар ўрганган хотин-қизларга "Сабр" микромолия ташкилоти томонидан 7,5 миллиард сўм миқдорда микрокредит берилди.

Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда барча вилоятлардаги ННТлар билан ҳамкорликда маҳаллий ривожлантириш марказлари ташкил этилди. DVVнинг Ўзбекистондаги филиали (DVV International) кўмағида таш-

кил этилган мазкур марказлар фаолияти учун 160 дан ортиқ мураббий ва тренер тайёрланди. Шунингдек, маҳаллий ва халқаро ҳамкорлар билан Ҳаёт давомида таълим олиш глобал стратегиясини амалга оширишда иштирок этмоқда.

Фестиваль давомида нодавлат нотижорат ташкилотлари, давлат бошқарув органлари вакиллари, халқаро экспертлар иштирокида соҳага доир қонунчилик, ҳаёт давомида таълим олишни ривожлантириш самаралари ва бошқа мавзуларда шўъба йиғилишлари бўлиб ўтди.

Гулрух МУМИНОВА.

Мобил алоқа 99,8 фоиз, интернет 90 фоизга етди

Жорий йил саккиз ойи якуни билан вилоят бўйича кўрсатилган ахборот коммуникация технологиялари хизматлари ҳажми 674,4 миллиард сўм ёки 2021 йилнинг мос даврига нисбатан 122,2 фоизни ташкил этди.

Кўрсатилган хизматлар ҳажмида 4,7 фоиз соҳа хизматларининг улушига тўғри келади.

Бунинг учун жорий йилнинг ўтган даврида 3,5 минг километр оптик толали алоқа линиялари қурилиб, умумий узунлиги 17 минг километрга етказилди. Шу билан бирга, вилоятдаги 2345 та ижтимоий соҳа объекти, жумладан, 1260 та халқ таълими, 711 та мактабгача таълим, 374 та тиббиёт муассасаларида юқори тезликдаги интернет хизматларидан фойдаланиш имконияти яратилди. Вилоятдаги 1126 та маҳалла фуқаролар йиғини тармоққа уланди.

Мобил алоқа қамровини кенгайтириш ва сифатини яхшилаш мақсадида 108 та янги база станцияси ўрнатилиб, 170 та база станцияси тезкор интернет технологияси асосида модернизация қилинди, вилоят аҳоли масканлари мобил алоқа билан 99,8 фоиз ва тезкор мобил интернет билан 90 фоизга қамраб олинди.

Маълумот учун, бугунги кунда вилоятдаги мобил алоқа база станцияларининг умумий сони 5252 тани ва мобил абонентлар сони 2529,7 минг нафарни таш-

кил этмоқда.

Аҳоли яшаш масканлари 100 фоиз рақамли телевидение сигналлари билан қамраб олинган.

Бирлашган Араб Амирликлари билан ҳамкорликда амалга оширилаётган "Бир миллион дастурчи" лойиҳаси доирасида бугунги кунга қадар вилоятимиздаги 278632 нафар ёшлар рўйхатдан ўтиб, 102895 нафари битирувчи сертификатини қўлга киритган.

Бугунги кунда филиал ҳамда шаҳар ва туманлардаги IT марказларда 51 нафар ходим фаолият олиб бормоқда.

Ўтган даврда IT Park резидентлари сони 19 тадан 33 та етказилди. Эътиборлиси, резидент сифатида рўйхатдан ўтган ва ариза топширганларнинг 6 таси массофавий экспорт хизматларини кўрсатувчи тадбиркорлик субъектлари ҳисобланади. Ушбу резидентлар солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан озод бўлиш имтиёзига эга бўлиб, иқтисод қилинган маблағларни фаолиятларини янада ривожлантиришга йўналтирмоқдалар.

Бундан ташқари, ҳудудий филиалда 51 та стартап лойиҳа рўйхатдан ўтказилди.

Дилмурод ХЎЖАМБЕРДИЕВ,

Ахборот технологиялари

ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи.

Экинлар "кашанда" бўлиб қолди

Мактабда ўқиб юрган кезларимда тенгдошларимиз билан далада ишлардик, беш-олтинчи синф ўқувчиси бўлишимизга қарамай, пахта терардик. Уша пайтларда дала бошига махсус идиш олиб борилмас эди. Ариқдаги сувни докадан сиздириб, ичаверардик.

Уватларга экилган помидор, бодринг, қовун-тарвузларни пайкал бошида тановул қилиб, қорнимиз тўярди. Дарахтлардаги мевалар, пайкаллардаги ҳосилга зараркундалар дахл қилмасди.

Афсуски, бугун вазият ўзгарди. Қишлоқ ҳўжалик экинлари кимёвий дориларга "кашанда" бўлиб қолди. Томорқада экилган помидор бир марта ҳосил берса беради, бўлмаса, йўқ. Ҳали қўчат гуллаб, ҳосилга кирмасидан баргию шохлари зараркундалар маконига айланади. Меваю сабзавотлар-

га гулга кирганидан бошлаб, ҳосил бергунига қадар турли кимёвий дорилар билан ишлов берамиз. Бу эса ўз навбатида, саломатлигимизга таъсир кўрсатади.

Оналарнинг камқонлиги, болаларнинг ҳатто шамоллашни ҳам ўз иммунитетини ёрдамида ениб ўтолмаслиги она табиатнинг заҳарланиши билан боғлиқ назаримда. Бу ҳолатдан чиқиб кетишнинг имкони йўқми, бўлса, унинг чоралари нималарда? Бугун бу ҳақда олимларимиз изланишлар олиб бораётганими? Олиб бораётган бўлса, унинг натижалари қаерда эълон қилинапти? Шулар ҳақида билгимиз келади.

Қаҳрамон НАМОЗОВ.

Қутлов

Самарқанд вилояти ички ишлар бошқармаси жамоат хавфсизлиги хизмати йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси

барча ички ишлар идоралари ходимлари
ва фахрийларини 25 октябрь -
Ўзбекистон Республикаси

ички ишлар идоралари
ходимлари куни
билан табриклайди.

Касб байрамингиз
муборақ бўлсин!



Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Самарқанд филиалининг етакчи мутахассисларидан иборат тиббий бригада замонавий тиббий аппаратлар билан жиҳозланган мобил автобуслар орқали вилоятнинг олис ҳудудларида бориб, аҳолини онкоскрининг текширувидан ўтказмоқда.

Шундай тиббий кўрик Ургут тумани тиббиёт бирлашмасига қарашли Шароф Рашидов номли оилавий шифокорлик пунктида ташкил этилди.

- Давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 27 майдаги "Аҳолига гематология ва онкология хизматлари кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги қарорига қўра, онкологик касалликларни илк босқичларда аниқлашга ҳамда даволаш, аҳоли ўртасида профилактика ишларини кучайтириш юзасидан бир қатор вазифалар белгиланган бўлиб, - дейди Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Самарқанд филиал директори Фирдавс Ўлмасов. - Жумладан, туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий поликлиникалари "Аёллар маслаҳатхоналари" таркибиде 2022 йилнинг 1 январидан бошлаб мунтазам равишда аёллар орасида кенг қўлланма бирламчи текширишларни амалга оширадиган "Онко-назорат" хоналари ташкил этилди. Ушбу хоналарда жорий йилда 468 мингдан ортиқ хотин-қизларнинг скрининг кўрикларидан

Онкоскрининг текшируви маҳаллаларда ўтказилмоқда



ўтказилиши режалаштирилган эди. Йилнинг тўққиз ойи давомида 329 минг нафардан ортиқ аёллар онкоскринингдан ўтказилди. 1100 нафар беморда рақолди касаллиги аниқланиб, тўлиқ соғломлаштирилди. 56 нафар беморда бачадон

бўйни саратони эрта босқичларда қайд этилиб, 27 нафари филиалда даволаниб чиқди, 29 нафари даволанишни давом эттирмоқда. 45-65 ёшдаги 162 минг нафардан ортиқ хотин-қиз кўкрак бези саратони скринингидан ўтказилганда, уларнинг 980 нафариде рак олди касаллиги аниқланиб, соғломлаштирилди. Саратон давосиз касаллик эмас, фақат хасталик қанча эрта аниқланиб, даволаш чоралари қўрилса, беморлар тўлиқ бу дарддан фориғ бўлади. Онкоскрининг текширувлари айнан шу мақсадга хизмат қилмоқда. Ушбу ҳафтада бундай кўрикларни вилоятнинг олис ҳудудларида ташкил этиб, онкомаммолог, онкогинеколог, УТТ врачлари, врач-кольпоскопист, онкожарроҳ ва бошқа мутахассисларимиз билан хотин-қизлар саломатлигини назоратдан ўтказяймиз.

Кўрик давомида мазкур оилавий шифокорлик пункти хизмат кўрсатадиган маҳаллалардан 680 нафар хотин-қиз онкоскрининг текширувидан ўтказилди. Уларнинг 20 нафариде саратонли хасталиги белгилари кузатилиб, қўшимча текширув ва даволаниш учун филиалга йўлланма берилди.

Ж.Набиев олган суратлар

РЕКЛАМА, E'LONLAR, BILDIRISHLAR / Gazetamiz haftada uch marta - seshanba, payshanba va shanba kunlari chop etiladi / Gazetada chop etilayotgan reklama va e'lonlar tezkor, samarali va hamyonbop / MUROJAAT UCHUN TELEFON: 66-233-91-56

ДАЪВОЛАР БЎЛСА!

Нуробод туманидаги "NUROBOD TA'SIS SAVDO" масъулияти чекланган жамияти (СТИР: 205779334) иштирокчиларининг 2022 йил 21 октябрдаги 4-сонли навбатдан ташқари умумий йиғилиши қарорига асосан, ўз устав фондини 18 100 000 (ўн саккиз миллион юз минг) сўм этиб белгиланиши маълум қилади.

Шу муносабат билан унга билдирилаётган барча даъволар газетда эълон чоп этилган, бир ой давомида қабул қилинади.

Манзил: Нуробод тумани Ёшлар кўчаси, 1-й.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Нарзуллаева Лола Шуқуруллаевна нотариал идорасида марҳум Раҳимов Фарход Касимовичга (2020 йил 3 октябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Нарзуллаева Лола Шуқуруллаевна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Нодирабегим кўчаси, 5/1-й.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Юсупова Дилсура Хасановна нотариал идорасида марҳум Ибрагимов Минигулга (2013 йил 24 ноябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Юсупова Дилсура Хасановна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Абдураҳмон Жомий кўчаси, 64-й.

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Ортиқбоев Азиз Азаматович нотариал идорасида марҳум Мамасафаров Номазга (2019 йил 3 мартда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилган. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Ортиқбоев Азиз Азаматович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Ўзбекистон кўчаси, 35-й.

Пайриқ туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Ортиқбоев Азиз Азаматович нотариал идорасида марҳум Мамасафаров Номазга (2019 йил 3 мартда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилган. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Ортиқбоев Азиз Азаматович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Пайриқ тумани Челақ шаҳарчаси, Истиклол кўчаси, 73-й.

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ургут туманидаги "URGUT SAMO AGRO STAR" масъулияти чекланган жамият суғурта ташкилотининг (СТИР: 308572944) ду-малоқ муҳри ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.



Шайбоний шахзода қабртоши Самарқанд музейига қандай келиб қолган?

Самарқанд давлат музей-қўриқхонаси археология жамғармасида икки бўлак қабртош сақланади. Қабртош шайбонийлар сулоласи вакили Абу Саид Баҳодурхон ўгли Султон Саид Баҳодурхонга тегишли (бир бутун қабртошнинг икки бўлаги, ҳажми: баландлиги 40 сантиметр, узунлиги 132 сантиметр, қалинлиги 36,5 сантиметр) бўлиб, кирим китобларидаги таснифда "1930 йилгача келиб тушган", дея қайд этилган. Музей-қўриқхона илмий архивида сақланаётган Россия императорининг археология комиссияси (ҳозирги Россия Фанлар Академияси моддий маданият институти) архив ҳужжатлари нусхаларини ўрганиш жараёнида қабртошларнинг Самарқанд музейига келиб қолишига ойдинлик киритилди.

Мазкур ҳужжатларга кўра, профессор Н.Веселовский 1905 йил июль ойида Самарқандда бўлганда Самарқанд шаҳрида яшовчи Недигер исмли аёлга тегишли бўлган, ўша вақтдаги Петровский кўчаси 31-уйда икки дона қабртош бўлаклари сақланаётганлигини аниқлайди.

Н.Веселовский Самарқанд вилояти ҳарбий губернаторига ёзган ахборотида бу ҳақда маълум қилади. У ўз ахборотида "турли тўпловчилар уй эгаси билан қабртошларни сотиб олиш учун савдолашмоқда. Ушбу тошлар давлат мулки ҳисобланиб, Самарқанд музейига топширилиши керак"лигини маълум қилади. Ҳужжатларда кўрсатилишича, қабртошни Недигер исмли аёл кишининг уйида сақлаган шахс Туркистон генерал-губернаторлиги дипломатия бўлими собиқ амалдори А.Половцев бўлган.

Вилоят маъмурияти ушбу масала юзасидан суриштирув ўтказиш бўйича тегишли топшириқларни беради. Самарқанд шаҳар 3-участка пристави Мўминжон Муслимжонов бу ҳақда 1905 йил 5-6 август кунлари суриштирув ўтказиб, далолатнома тузади. Далолатномада исми-шарифи қайд этилган Сўзангарон маҳалласи эллиқбошиши Қобилбой Бобожоновнинг айтишича, беш йил

олдин Чилдухтарон ёдгорлигига рус миллатига мансуб икки киши келиб, қабртошлардан бирини олиб кетмокчи бўлади. Лекин эллиқбоши бунга қаршилик қилади. Эртасига икки бўлак қабртошни полицмейстер подполковник Левшин арава буюртма қилиб, олиб кетади. Буни полиция катта ходими Мастон Носиров ҳам тасдиқлайди.

Юқоридаги ҳужжатлардан англашиладики, Туркистон генерал-губернаторлиги дипломати А.Половцев дастлаб ўзи Чилдухтарон ёдгорлигига борган ва қабртошларни беришни сўраган. Аммо эллиқбоши Қобилбой Бобожоновдан рад жавобини олган. Шундан сўнг бу топшириқни А. Половцев учун полицмейстер Левшин уддалаган.

Ушбу масала юзасидан Самарқанд вилоят ҳарбий губернатори 1905 йил 15 октябрда Император археология комиссиясига ёзган 13599-сонли хатида профессор Н.Веселовский талабига кўра, қабртош бўлаклари Самарқанд музейига олиб келинганлигини билдиради. Чилдухтарон ёдгорлигига ҳозирда 40 дан ортиқ шундай қабртошлар бўлиб, уларнинг айримлари темирйиларгача бўлган даврга тегишлидир.

Маҳмудхон ЮНУСОВ,
Самарқанд давлат музей-қўриқхонаси бош муҳофиз.

ШУ ОЙДА ТАВАЛЛУД ТОПГАНЛАР

26 октябрь

Бахтиёр ТЎРАЕВ – 1963 йилда Каттакўрғон шаҳрида туғилган. Театр рассоми. Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби.

Мирзо Улуғбек "Зиж"и тўрт тилда нашр этилди

Самарқанд шаҳридаги "Эл мероси" тарихий либослар театрида "Тарихий осмон: осмон ва ер уйғунлиги" мавзусида халқаро илмий анжуман бўлиб ўтди.

Анжуманда Европа, АҚШ ва Россия университетлари ҳамда Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институти олимлари ўз маърузалари билан қатнашди.

Маълумки, Самарқанд астрономия мактаби дунё илм-фани ривожига катта ҳисса қўшди. Мирзо Улуғбек вафотидан сўнг Самарқанд олимлари аста-секин Яқин ва Урта Шарқ мамлакатлари бўйлаб тарқалиб кетади. Улар ўзлари борган ерларга Самарқанд олимларининг

ютуқларини ва "Зиж"нинг нусхаларини ҳам етказди. Хусусан, Али Қушчи 1473 йил Истанбулга бориб, у ерда расадхона куради. Шу тариқа Улуғбек "Зиж"и Туркияда тарқалади ва у орқали Европа мамлакатларига етиб боради.

- Шу кунгача "Зиж"нинг 100 га яқин форсий ва 15 дан ортиқ арабий нусхаси мавжуд эди, - дейди Самарқанд халқаро технология университети ректори, профессор Юсуф Абдуллаев. - Урта асрларда ёзилган ҳеч бир астрономик ёки математик асар бунчалик оммавий ва кенг маълум бўлмаган. "Зиж" мусулмон мамлакатларининг деярли барчасида ўрганилган ва шарҳлан-

ган. Шундай бўлишига қарамай Улуғбек, "Зиж"и бугунги кунгача бирор замонвий тилга тўла таржима қилинмаган эди.

Яқинда Самарқанд халқаро технология университети, "Eriell" компаниялар гурӯҳи, Ўзбекистон-Асиялар академияси ва "Media-Asia" нашриёт-матбаа ижодий уйи ҳамкорлигида "Зиж" ўзбек, инглиз, рус ва хитой тилларида нашр этилди. Айтиш мумкинки, бу ўзбек замонавий астрономия илмида катта воқеа бўлди.

Асрлар давомида мусулмон Шарқи, хусусан, Самарқанд астрономия илми маркази бўлгани, бу мактабдан етишиб чиққан олимларнинг



асарлари бугун ҳам илм-фан учун муҳим манба бўлаётгани таъкидланди.

Сулаймон МАРДИЕВ.

Таълимга янгича ёндашув мактаблар рейтингини кўтаради

Кейинги йилларда мамлакатимизда халқ таълими соҳасини ривожлантириш борасида самарали ишлар қилиняпти. Масалан, мактаблар рейтингини кўтариш борасида бошқа туман ва вилоятлардан олий ва биринчи тоифали ўқитувчилар қолақ мактабларга ишга таклиф қилиняпти. Фан олимпиадаларида фахрли ўринни эгаллаган ўқувчи ва унинг ўқитувчиси бир марталик пул мукофоти билан тақдирланыпти. Ўқитувчиларнинг иш ҳақи малака тоифасига қараб тўланыпти ва ҳоказо.

Биздаги рейтинг кўрсаткичлари ва олий таълимга қамров ҳали мактанарли даражада бўлмаса-да, йилдан йилга халқ таълими тизимида ўзгаришлар кузатиляпти. Вилоят халқ таълими тизимидаги мактаблар миллий рейтинг кўрсаткичи ҳар йили юқорилаб бораётгани ҳам педагогларнинг ўз устиди ишлаши, дарс жараёнида янги методларнинг қўлланилиши ва ота-оналарнинг фарзанди келажига бефарқ эмаслигидан далолатдир.

Тўғри, республика миқёсида миллий рейтингда ҳали юқори ўринларга чиққанмиз йўқ, аммо бу йилги натижаларимиз ёмон эмас. Вилоятда ёшларнинг билим олишга қизиқиши, республика ва хорижий фан олимпиадаларида фахрли ўринларни қўлга киритаётгани фикримизнинг исботидир. Жорий йилда вилоятда 464 нафар мактаб битирувчиси муддатидан олдин хорижий ва республика миқёсидаги олий таълим муассасаларига ўқишга кирди. Ўтган йилги ушбу кўрсаткич 268 нафарни ташкил этган бўлса, бу йил 464 нафарга етди.

Шунингдек, жорий йилда ўтказилган фан олимпиадаларининг (IV) Республика босқичида самарқандлик ўқувчилар етти-та совринли ўринни қўлга киритди. Мазкур ютуқлар ҳисобига республикада учинчи ўринни қўлга киритдик. Йиллар давомида вилоятимиз бу каби натижага эришмаган эди.

Бундан ташқари, жорий йилда вилоятдаги умумтаълим мактаблари ўқувчилари халқаро миқёсда ўтказилган кўрик-танловларда 10 та, республикада ўтказилган кўрик-танлов, мусобақа, фестивалларда 38 та фахрли ўринни қўлга киритди.

Бугунги кунда вилоятимиздаги умумтаълим мактабларининг барчасига оптик толали алоқа линиялари тортилиб, интернет тармоғига уланди. Шунга кўра, 2022-2023 ўқув йилидан бошлаб барча мактаблар анъанавий чоп этилган қорғоз шаклидаги журналлар ўрнига "Кундалик" электрон журнал тизимида ишлайди.

Таъкидлаш жоизки, халқ таълими тизимида таълим сифатини ошириш борасида ҳукуматимиз томонидан ислохотлар



амалга оширилиши кутилмоқда. Масалан, келгуси уч йилда барча мактабларда дарслар замонавий методикалар асосида, Президент мактаблари, ихтисослаштирилган ва хусусий мактаблардаги сингари ўқитилади. Сабаби, ота-оналар фарзандини сифатли таълим даргоҳида ўқитишни истайди. Президент мактаблари, ихтисослаштирилган ва хусусий мактабларда ўқувчилар сони чекланган, талабгорларнинг барчасини қамраб олишнинг имкони йўқ. Шунингдек, мактабларда таълим сифатини ошириш учун янгича ёндашув талаб қилиняпти.

Ҳаҳон тажрибасига қарайдиган бўлсак, ривожланган мамлакатларда таълим сифатини ошириш борасида турлича ёндашувларни кузатамиз. Масалан, Жанубий Кореяда юқори рейтингдаги мактабларнинг ўқитувчиларига яхши маош тўланар экан. Шунинг учун ҳам ўқитувчилар мактаб рейтингини кўтариш

га, ўқувчиларга янада сифатли таълим беришга ҳаракат қилишарди.

Бир сўз билан айтганда, мактаб, ўқувчи ва ота-она биргаликда ишламаса, таълим сифати яхшиланмаслиги бўлган ўз исботини топди. Ҳатто ривожланган давлатларда ҳам ота-она фарзандининг билим олишини рейтингни юқори мактабга ишониб, ўзи қўл қовуштириб турмайди. Аксинча, ҳар кун боласи тайёрлаган уй вазифаларни назорат қилиб боради. Агар бола дарсларни яхши ўзлаштира олмаса, ўқитувчиси билан маслаҳатлашади, унга дарс тайёрлаши учун етарлича вақт ва шарт-шароит яратиб беради. Бизда ҳам қачонки, барча ота-она худди шундай йўл тутса, яқин келажакда мактабларда таълим сифати ошади, албатта.

Саидхамд УСМОНОВ,
вилоят ҳокимининг халқ таълими масалалари бўйича маслаҳатчиси.

Истеъдодли шоира, ўтқир публицист Шарифа Салимова 1951 йилда Тошкент вилоятининг Паркент шаҳрида туғилган.

Мутахассислиги - журналист, ҳуқуқшунос. 1993 йил "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими" фахрий унвони, 2018 йилда "Меҳнат шухрати" ордени билан мукофотланган.

1979 йили илмий шеърӣ китоби - "Ҳаёт завқи" чоп этилган. Сўнгра "Менинг баҳорим", "Етти оқшў", "Хизр бўлоғи", "Гиёҳлар билан тиллашган инсон", "Аёлга эҳтиром", "Тонгга қасам", "Гиёҳлар билан тиллашиб тоғ ошаётган одам" публицистик тўплами, "Дийдор саодати" жамоа тўплами, "Олимлик ва одамийлик", "Ватан суврати", "Вафoning ифбат йўли" Кибриё Қаҳҳорова ҳақида тўплам, "Қувноқ Алифбо" туркумидан "Ҳайвонот оламига саҳнат", "Қушлар алифбоси" каби китоблари кирилл ва лотин алифбосида, "Бедор тун томчилари" шеърӣ тўпламлари чоп этилган. Шеърлари озарбайжон, тожик, рус, қорақалпоқ, олмон тилларига таржима қилинган.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси.



Сенинг субратингми чизаман, Ватан...

Ястаниб ётади улуғвор тоғлар,
Дарёлар оқади шиддатга тўлиб.
Субҳдан гунганинг ол яноҳида
Шудринг қимтингни бир уммон бўлиб.
Сенинг сувратингни чизаман, Ватан...

Булқлар шарқираб қўйиқ айтиди,
Унинг қўлишмида сенинг исминг бор.
Бурғуллар қояннга яна қайтади,
Шовуллаган дунё бунча шиддаткор.
Сенинг сувратингни чизаман, Ватан...

У қанчалар чексиз қалбим тубида,
Мен қайга боқмайин сени қўйман.
Кексалар дуоси, болам кўлгуси...
Тоғларнинг қўқсидан узанган йўллар,
Олтинранг япроқлар...Баҳорий дўллар,
Савоб учун қўққа очилган қўллар,
Самога сирларин айтган минорлар,
Баҳорларга ирмоқ узатган қорлар,
Қўпчанг далада чопган қулунлар,
Остонангга райхон сепилган кунлар.
Шуқўқга тўламан, шавққа тўламан..
Шовуллаган кекса чинор пойга,
Оқарган бошимни қўйман..
Сенинг сувратингни чизаман, Ватан.

Ана, эндигина тушган келинчақ,
Тонгдан йўлларингни сугуриб қўяр.
Мўйсифид оталар йўлини кесмай,
Чексада қимтингни, индамай турар.
Дастурхонга қайноқ нонлар қўяди,
Сенинг сувратингни шундай чизади.

Дунё энтиқади сени қўргали,
Самарқанд ҳар лаҳза меҳмон кутади.
Кўҳна Шўш жамолин бир қўрган кимса
Яна қайтиб келиб, қўйиқ битади.
Сенинг сувратингни чизаман, Ватан.

На хуш бу ҳаволар - Ватан ҳавоси,
Қўқсимни тўлдириб, оламан нафас.
Дунё пештоқида, шуқур, байроғинг
Хилларар аловлар ила басма бас.
Табааруқ тўфроғинг жонимга пайваст,
Бугун кенгликларинг хаёлда кездим.
Бетимсол жамолинг, тенгсиз сувратинг
Кечир, билар-билмай ўзимча чиздим.
Онамсан, қарзингни қўйолман адо,
Боримсан, сенсиз мен - тентиган шамол.
Она юртим, завол қўрма илоё,
Сен борсан, қўқсимиз тўла ифтикор.
Сенинг сувратингни чизаман, Ватан!

Орзу

Яшил либосларни кийдиринг менга,
Гўзал баҳорларга ўқшайин бир зум.
Ялпизлар сувиға ювай сочиним,
Чўчимома кўзига термулганча жим.

Маҳнунтоғ, қўй энди ишқ савдосини,
Бир нафас, кел, сен ҳам бошингни қўтар.
Сен ҳам баҳорларга айлансан энди,
Ишқнинг жароҳати қўқсингдан кетар.

Булбўл, чач-чахлама, бир нафас сен ҳам,
Кел, менинг юрагим тубига қўй бош.
Шунда қўраурсан оққан наволар
Сеҳрига булбуллар беролмас бардош.

Оппоқ гуллар ила чулганган дарахт,
Кел, менга муҳаббат айлагин изхор.
Менинг қўйиқларим сенга аталган,
Менинг юрагимда баҳорларим бор.

Қалдирғоч, кел менинг қўларимга қўн,
Қаро қошларингни силайин суёб.
Мен ҳам юксакликда қанот қоқайин
Сен каби қорақош қалдирғоч бўлиб.

Дунё ташвишини унутай бир зум,
Баҳор оғушида ором топсин жон.
Азизим, баҳорим, сенга ўқшайга
Қизганмай, менга бер бир лаҳза имкон.

Мани кўқсимдаги у.м.он...

Мани кўқсимдаги осмон, гурурим ҳам шитобимсан.
Қўзимга нур, сўзимга дур ато этган китобимсан.
Гудак кўнглим сенинг сеҳринг ила ошуфтақ хайрон,
Тилимни айлаган сайрон, итобимсан, итобимсан.
Қадим турк томирин ичган элим қўқсида сарчасиша,
Мудом сенга юрак чанқоқ, ақл чанқоқ, қўзим ташна.
Қоронғу тунда Эҳрорсан, парийўйсан сарқарашми,
Само пештоқиға фикрат нури битган китобимсан.
Қўнғилга нур бўлиб кирган ўзинг устоди аввалсан,
Дархонларга бўлиб берган ўзинг устоди аввалсан.
Жавонлардан боқиб турган ўзинг устоди аввалсан,
Сенинг бағрингга бош қўйсам, онамдек моҳитобимсан.
Сени билган, Навоийни қўзига сурди бу дунё,
Сени билган, само сори юзини бурди бу дунё,
Сени билган, кўҳна мозий сирини билди бу дунё.
Қалб аталмиш баҳр аро гоҳ қувонч, гоҳ изтиробимсан.
Хаёт мисли яшил боғ, ундаги бир яшил япроқсан,
Қўнғилларнинг сурури, само тоқидиға чамқоқсан.
Саодат соҳили сенда - или уммонига маёқсан,
Бу умри жовидонимни ёритган нур - офтобсан.
Қўзимга нур, сўзимга дур ато этган китобимсан...

Шарифа САЛИМОВА.



MUASSIS: Samarqand viloyati hokimligi

Bosh muharrir: Farmon TOSHEV

Gazeta O'zbekiston matbuot va axborot agentligining Samarqand viloyat boshqarmasida
2012-yil 30-martda 09-01 raqam bilan ro'yxatga olingan. Nashr 100. Indeks 438.
16 373 nusxada chop etildi. Buyurtma 693. Hajmi 2 bosma taboq, bichimi A-2

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

QABULXONA: (66) 233-91-51, **REKLAMA VA E'LONLAR:** (66) 233-91-56

BO'LIMLAR: (66) 233-91-57, 233-91-58, 233-91-59, 233-91-61

MANZILIMIZ: 140100, Samarqand shahri, Ulug' Tursunov ko'chasi, 80-uy, Matbuot uyi.

Gazeta «Zarafshon» tahririyatining kompyuter bo'limida sahifalandi.

«Noshir lux» MCHJ bosmaxonasida chop etildi.
Korxonani manzili: Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uy.

Bosishga topshirish vaqti: soat 18:30 da.
Bosishga topshirildi: soat 19:00

Navbatchi muharrir:

G.HASANOV.

Navbatchi:

G.MO'MINOVA.

Sahifalovchi:

A.AMINOV.



Saytimizga o'tish uchun QR-kodini telefoningiz orqali skaner qiling

ISSN-201667X



9 772010 667009
Sotuvda ketishilgan holda